

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ХИЛОЛА ГАЙРАТОВНА

**АНТИБАКТЕРИАЛ ВА ПЛАЗМА ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИНФУЗИОН
ПРЕПАРАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СИФАТИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Ганиева Хилола Гайратовна

Антибактериал ва плазма ўрнини босувчи инфузион препаратларни
ишлаб чиқариш сифатини таъминлашда методологик
ёндашувларни такомиллаштириш 3

Ганиева Хилола Гайратовна

Совершенствование методологических подходов к обеспечению
качества производства антибактериальных и плазмозамещающих
инфузионных препаратов 29

Ganieva Khilola Gayratovna

Improvement of methodological approaches to the quality assurance of
the manufacturing of antibacterial and plasma-substituting infusion
medicine 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ХИЛОЛА ГАЙРАТОВНА

**АНТИБАКТЕРИАЛ ВА ПЛАЗМА ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИНФУЗИОН
ПРЕПАРАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СИФАТИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Far19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Урманова Флюра Фаридовна**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Тўхтаев Хаким Раҳманович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Абдуллабекова Вилоят Нуриллабековна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси акад.**
О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» 10 соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz.

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» 09 кун тарқатилди.
(2020 йил «16» 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



К.С. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда турли касалликларни олдини олиш ва даволашда парентерал дори турларидан, айниқса инфузион эритмалардан кенг фойдаланилади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперт комиссиясининг 2019 йил 5 апрелдаги асосий дори воситаларни танлаш ва қўллаш бўйича ҳисоботида келтирилишича умумий тавсия этиладиган дори воситалари ичида парентерал йўл билан юбориладиганларнинг улуши 29,9% ташкил қилади.

Бугунги кунда кўпгина фавқулоддаги патологик ҳолатларни даволаш учун мўлжалланган парентерал дори турлари сифатини таъминлаш, технологик жараёнлари ва аналитик усулларини валидация қилиш, инфузион эритмаларнинг сақлаш муддатларини белгилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида инфузион эритмаларнинг сифатини баҳолаш тизимларини такомиллаштириш, ушбу препаратлар таркибидаги фаол моддаларни таҳлил қилишнинг мақбул усулларини ва фармацевтик корхоналарда сифатни таъминлаш бўйича ҳаракатлар алгоритминини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикамизда инфузион эритмаларни ишлаб чиқариш ва сифатини таъминлаш 2020-2024 йилларга мўлжалланган фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган бўлиб, бунда сифатли ва безарар препаратлар ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи дори воситаларни ишлаб чиқиш, уларни сифатини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ва 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019 - 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора - тадбирлар тўғрисида» ги қарори ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Инфузион препаратларни ишлаб чиқариш сифатини таъминлашда услубий ёндашувни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Purdue University (АҚШ), University of Miskolc (Венгрия), University of London (Буюк Британия), National Institute of Pharmaceutical Education and Research, S.A.S. Nagar (Ҳиндистон), University of Glasgow (Шотландия), The Temple School of Pharmacy (АҚШ), Institute of Pharma Sciences Chandigarh University (Ҳиндистон), Universal Group of Institutions, Mohali (Ҳиндистон), И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Миллий фармацевтика университетида (Харьков, Украина) олиб борилмоқда.

Парентерал юбориладиган дори воситаларни ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш, усулларни валидация қилишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: биофармацевтик препаратлар сифатини таъминлаш тизими ишлаб чиқилган ва меъёрий ҳужжатларга мослиги аниқланган (Purdue University, АҚШ); парентерал ва стерил дори турларининг оралиқ назоратида қўлланиладиган таҳлил усуллари ишлаб чиқилган (Mylan Laboratories, Ҳиндистон); препаратларнинг сифатини таъминлашнинг самарали тизимини яратишнинг методологик ва иқтисодий асослари ишлаб чиқилган (И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва тиббиёт университети, Россия Федерацияси); тиббий иммунобиологик препаратлар ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит тизимини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган («Микроген» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Россия Федерацияси); қон плазмаси, таблеткалар, шунингдек, фармацевтик субстанцияларнинг сифат менежменти тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган (Киров гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ва Тиббиётда қўлланиладиган воситаларни экспертиза қилиш Илмий маркази, Россия Федерацияси); иқтисодий ахамиятга эга бўлган бозорни ривожлантириш ва инфузион эритмалар ишлаб чиқариш истиқболлари баҳоланган (Санкт-Петербург Давлат кимё-фармацевтика университети, Россия Федерацияси).

Дунёда инфузион препаратларни ишлаб чиқариш сифатини таъминлаш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: сифатни таъминлаш усулларини ишлаб чиқиш, технологик жараёнлари ва аналитик усулларини валидация қилиш, фармацевтик корхоналарда сифатни таъминлаш бўйича ҳаракатлар алгоритминини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, технологик жараёнлари ва аналитик усулларини валидация қилиш соҳасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунё микёсида инфузион эритмаларни сифатини таъминлаш, таҳлил усуллари валидация қилиш, фармацевтика корхоналарида сифатни таъминлаш бўйича ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқиш бўйича, Béla Illés I, Péter Tamás, M.J.Groves, J.Szejtli, A.Hidetoshi, E.Bilensoy, Y.Jiang., V.Monnaert, K.Uekama, T.Henics, Song Yu-Min., Dong Yin-Long, Z.Y.Yang, D.Silverberg, M.Blum, T.Sanai, N.Oochi, H.Gruen, M.Burkhart, V.G.Gimpelson, V.G.Berezkin, M.Fountoulakis, H.W.Lahm каби хорижлик олимлар, шунингдек, рус олимлари Р.У.Хабриев, Э.А.Орлова, И.В.Параманова, Е.Л.Ковалева, А.Е.Булатов, В.В.Береговых, Н.В.Пятигорская, Т.П.Маркова, Е.Ю.Барманова, Ю.В.Афончиков, Е.С.Рогов, А.А.Азембаев, Н.И.Гуменюк, С.И.Киркилевский, Е.Т.Жилякова, А.А.Зинченко, О.О.Новиков, В.В.Беляев, Ж.И.Аладышева, А.П.Мешковский, Н.В.Люлина, Н.В.Юргель, А.Л.Младенцевлар илмий тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Диссертация мавзуси юзасидан фойдаланилган субстанциялар синтези, уларнинг технологияси, стандартизацияси ва сифатини таъминлаш, клиник синовларини ўтказиш бўйича М.А.Азизов, О.А.Шабилалов, А.Н.Юнусходжаев, А.Ш.Ваисов, З.Салиходжаев, Х.Х.Хакимов, Х.М. Юнусова, А.Ф.Дусматовлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур диссертация иши «Феркамид», «Комбисол Нео», «Фелозин Нео», «Кандифлю®Нео», «Метромед®Нео», «Плазмикс» каби антибактериал ва плазма ўрнини босувчи инфузион эритмалар ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Махаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади антибактериал ва плазма ўрнини босувчи таъсирга эга бўлган инфузион эритмалар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, сифатини таъминлаш ишларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

дори воситаларининг сифатини таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш;

ферамид ва коамид сақлаган гидроксипропил-β-циклодекстрин асосидаги оригинал инфузион эритманинг сифатни таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш;

антибактериал ва плазма ўрнини босувчи таъсирли инфузион эритмаларининг сифатини назорат қилиш усуллари такомиллаштириш;

инфузион эритмалар таркибидаги аминокислоталар ва гидроксипропил крахмални таҳлил қилишнинг мақбул усуллари ишлаб чиқиш;

инфузион эритмалар сифатини назорат қилишнинг технологик жараёнлари ва аналитик усуллари валидация қилиш;

ишлаб чиқилган инфузион эритмаларнинг сақлаш муддатларини белгилаш;

антибактериал ва плазма ўрнини босувчи таъсирли инфузион эритмаларини ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш бўйича ҳаракатлар алгоритминини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган инфузион эритмаларнинг клиникагача бўлган тиббий-биологик хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» да рўйхатдан ўтиш учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ферамид ва коамид субстанциялари, «Комбисол Нео», «Фелозин Нео», «Кандифлю®Нео», «Метромед®Нео» ва «Плазмикс» инфузия учун эритмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети инфузион эритмалар учун субстанциялар синтези, сифат назорати, уларни стереокимёвий тузилишини аниқлаш, стандартлаштириш ва сифатни таъминлаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида хроматографик (ЮССХ), спектрофотометрик (УВ- ва ИК-) ва бошқа давлат фармакопеларига киритилган таҳлил усуллари қўлланилган. Инфузион эритмаларни ишлаб чиқаришда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва идентификация қилиш, шунингдек технологик жараёнларни валидация қилиш мақсадида НАССР – Hazard analysis critical control point - хавф таҳлили усулидан фойдаланилган. ICH Topic Q2 (R1) Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology тавсияларига мувофиқ аналитик жараёнлар учун валидация кўрсаткичлари, хусусан усулнинг тўғрилиги, аниқлиги, ўзига хослиги, чизиқлилиги ва такрорланиши каби мезонлар ишлатилган. Синтез қилинган Ферамид ва Коамид молекуласининг структураси «Xcalibur Oxford Diffraction» CCD-дифрактометрида аниқланган ва тажриба маълумотларни йиғиш стратегиясида CrysAlisPro дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор рентгеноструктура ва спектроскопик усуллар ёрдамида коамид субстанциясининг тузилиши аниқланган;

биринчи марта ферамид ва коамидни гидроксипропил-β-циклодекстрин комплексини сақлаган антианемик таъсирга эга янги оригинал препаратнинг стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

бир қатор антибактериал ва плазма ўрнини босувчи инфузион эритмаларнинг сифат меъёрлари ишлаб чиқилган;

препаратларнинг кимёвий ўзига хос тузилишини инобатга олган ҳолда инфузион эритмалардаги аминокислоталарни идентификация қилиш ва

миқдорини аниқлаш учун УБ-детекторли ЮССХ усули оптималлаштирилган;

«Плазмикс» инфузия учун эритма таркибидаги гидроксипропилкрахмал моддасининг сифати ва молекуляр оғирлигини аниқлашда вискозиметрия усулидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги аниқланган;

«Ишикава диаграммаси» ва НАССР – Hazard analysis critical control point ёрдамида - ҳавфни таҳлил қилиш усули ёрдамида инфузион эритмалар учун ишлаб чиқариш сифатига таъсир қилувчи омиллар аниқланган;

Объектларнинг технологик жараёнлари ва аналитик таҳлил усуллари валидация қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инфузион эритмалар ишлаб чиқариш жараёнига сифатни таъминлаш тизимини, шунингдек инфузион эритмалар ишлаб чиқаришда танқидий нуқталарни аниқлашда сифат воситаларидан фойдаланиш тизими такомиллаштирилган;

кўп компонентли инфузион эритмалар таркибидаги фаол моддаларни сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

антибактериал ва плазма ўрнини босувчи инфузион эритмаларни сифатини назорат қилишнинг ишлаб чиқилган ва тасдиқланган усуллардан дори воситаларининг сифатини кириш, оралиқ ва якуний назорат қилишда фойдаланилиш имкони аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллар, физик-кимёвий, клиникагача бўлган фармакологик ва клиник текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инфузион эритмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг сифатини таъминлаш методологиясини такомиллаштиришга комплекс ёндашиш ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош антибактериал ва плазма ўрнини босувчи препаратларни яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти оригинал «Феркамид» комплекс антианемик инфузион препаратининг сифат меъёрлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда инфузион эритмаларни ишлаб чиқаришда таклиф қилинган сифатни таъминлаш комплекс чора-тадбирлар асосида «Remedy Group» МЧЖ ҚК амалиётига «Яхши ишлаб чиқариш амалиёти» (GMP) тизими жорий этилганлиги билан изоҳланади. Ўрганилаётган инфузион препаратларни серияли ишлаб чиқариш ушбу гуруҳ дори воситаларини ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антибактериал ва плазма ўрнини босувчи инфузион препаратларни ишлаб чиқариш сифатини таъминлашда методологик ёндашувларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Комбисол Нео» инфузион эритмаси ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (МХ 42 Уз-7445-2019). Натижада маҳаллий дезинтоксикацион ва шокка қарши дори воситаларнинг ассортименти кенгайтириш имконини берган;

«Фелозин Нео» ва «Плазмикс» 6% инфузия учун эритмалар ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (МХ 42 Уз-4546-2018, МХ 42 Уз-5551-2016). Натижада плазма ўрнини босувчи парентерал озуқа учун ва плазма ўрнини босишга мўлжалланган дори воситаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган;

«Кандифлю®Нео» 200 мг/100 мл ва «Метромед®Нео» 500мг/100мл инфузия учун эритмалар ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (МХ 42 Уз-4551-2017, МХ 42 Уз-4352-2016). Натижада олинган дори воситалари бактериял ва замбуруғли касалликларни самарали даволаш имконини берган;

«Кандифлю®Нео» (DV/M00693/03/16), «Плазмикс» (DV/M 00969/08/16), «Комбисол Нео» (DV/M 02501/04/19), «Фелозин Нео» (DV/M 00658/03/16), «Метромед®Нео» (DV/M 00586/01/16) антибактериял ва плазма ўрнини босувчи инфузион эритмаларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари олинган ва тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган. Натижада ушбу дори воситалари «Remedy Group» ҚК томонидан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (8 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, 7 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Инфузион эритмаларни сифатини таъминлаш муаммолари ва ҳолати**» бўлиб, дори воситаларининг сифатини таъминлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини таҳлил қилиш, инфузион эритмалар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, уларнинг сифатини таъминлаш учун илмий ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини акс эттирувчи маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили, шунингдек циклодекстринларни дори воситаларнинг самарадорлигини оширишдаги ролини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини ўрганиш натижалари инфузион эритмалар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, шунингдек, қон ҳосил қилиш тизимига таъсир этувчи дори воситаларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш зарурлиги кўрсатилган.


Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот объекти, материаллари ва таҳлил усуллари**» стандарт намуналар, дори субстанциялари, тадқиқотларда ишлатиладиган кимёвий ва фармацевтика таҳлиллари учун асбоб-ускуналар рўйхати акс эттирилган, шунингдек материаллар, усуллар ва тадқиқот объектлари келтирилган.

Учинчи боб «**Ферамид ва коамид сақлаган янги оригинал таркибни ишлаб чиқиш**» га бағишланган бўлиб, унда янги инструментал усуллардан фойдаланган ҳолда ферамид ва коамид субстанцияларининг синтези ва тузилишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари, шунингдек, шартли равишда «Феркамид» деб номланган янги антианемик инфузион препарат учун мақбул таркиб ва стандартлаштириш усуллари ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.


Ферамид ва коамиднинг синтези профессор М.А.Азизов монографиясида келтирилган усул билан амалга оширилди. Коамид молекулаларининг кимёвий тузилишига аниқлик киритиш учун аналогик таркибли никотинамидли кобальт нитрат комплексининг монокристалли олинган. Ушбу кристалларнинг кристаллографик параметрлари «Xcalibur Oxford Diffraction» CCD-дифрактометрда аниқланди ($\text{CuK}\alpha$ - нурланиш, графитли монокроматор, хона ҳароратида): триклин кристаллар, пр.гр. P-1, $\text{C}_{44}\text{H}_{60}\text{O}_6\text{N}_2$, $a=7.030(3) \text{ \AA}$, $b=8.380(4) \text{ \AA}$, $c=10.248(4) (14) \text{ \AA}$, $\alpha=100.06(4)^\circ$, $\beta=108.23(4)^\circ$, $\gamma=95.70(4)^\circ$, $V=556.9(5) \text{ \AA}^3$, $Z=2$, $D_{\text{хис.}}=1.596 \text{ г/см}^3$. Тажриба маълумотларни йиғиш стратегияси CrysAlisPro дастури ёрдамида амалга оширилди. Интеграциялашган интенсивлик графит кристаллида акс эттириш орқали монокроматизация қилинган ω -сканерлаш усули билан ўлчанди. R-омилнинг якуний қиймати $R = 0.163$, ($wP2 = 0.3855$).

Кобальтнинг нитратли ва хлоридли ацидокомплексларининг никотинамид (НА) билан ИҚ спектрлари қиёсий таҳлил қилинди, бу ерда кобальт комплексларининг валент тебранишлар соҳаси $\nu(\text{CO})$ мос равишда 1666 ва 1661 см^{-1} даражаларида кузатилиб, уларнинг деформацион тебранишлари $\delta(\text{CO})$ ҳам деярли 650 ва 651 см^{-1} га яқин жойда намоён бўлди (1,2 -расмлар). Никотинамиднинг пиридин ҳалқасидаги C-C-N боғларининг веер тебранишлари частотаси нитрокомплексда 1142 см^{-1} ва хлорид

комплексида 1145 см^{-1} даражасида кузатилди. ν ҳалқанинг соҳалари мос равишда 1599 ва 1597 см^{-1} ни ташкил қилди. Спектрда ўзига хос хусусиятлар ИҚ-нинг ўрта қисмида намоён бўлди, яъни нитрат комплексида ν_{as} ва ν_s нитро гуруҳларига хос бўлган 1599 ва 1417 см^{-1} даражадага нисбатан интенсив чизиқлар кузатилди.




1-расм . $[\text{Co}(\text{NA})_2(\text{H}_2\text{O})_4](\text{NO}_3)_2$ комплексининг ИҚ-спектри




2-расм . Коамид субстанциясининг ИҚ-спектри

Ютилишнинг ИҚ - спектрларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари никотинамид молекулаларининг координацион хусусиятининг комплекслардаги кобальт атомига ўхшашлигини кўрсатди. Рентгеноструктур таҳлил олинган комплексларнинг кристаллари дискрет ионлардан ташкил топганлигини: $[\text{Co}(\text{NA})_2(\text{H}_2\text{O})_4]^{2+}$ катионлар, нитрат NO_3^- - анионлари, шунингдек сув молекулалари. Co^{2+} ионининг координацион полиэдри деярли мукамал октаэдр N_2O_4 бўлиб, у сувнинг экваториал ҳолатидаги 4 та кислород атомидан ва никотинамид молекуласининг аксиал ҳолатидаги 2 та циклик азотидан ҳосил бўлган (3-расм). Co^{2+} ионлари симметриянинг кристаллографик марказларида локализация қилинган, элементар ячейканинг мустақил қисми 0,5 кобальт иони, битта никотинамид молекуласи, иккита координацион боғланган сув ва битта боғланмаган сув молекуласидан иборат.



3-расм. Комплексинг молекуляр тузилиши

Кристалл тузилиш (4-расм) $[\text{Co}(\text{NA})_2(\text{H}_2\text{O})_4]^{2+} (\text{NO}_3)_2$ ионлари орасидаги уч ўлчамли водород боғлари, шунингдек, сувнинг боғланмаган молекулалари билан ажралиб туради: ҳар бир нитрат аниони иккита кристаллизацион сув молекуласи ва битта координацион боғланган сув молекуласи билан, кристаллизацион сув молекулалари эса никотинамид молекулалари билан боғланган.



4-расм. Комплексинг кристаллик структураси

Ферамид ва коамиднинг синтез қилинган молекулаларининг сифат назорати амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ олиб бориб тасдиқланди.

Кейинчалик, оригинал «Феркамид» инфузион эритмасининг таркиби ва сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги оптимал таркиб танланди:

Ферамид – 2,0 г

Коамид – 1,0 г

Аскорбин кислотаси – 0,5 г

Гидроксипропил-бета-циклодекстрин (HP-β-CD) – 7,3 г

Натрий хлорид – 0,9 г

Инъекция учун сув –100 мл гача.

Ферамид ва коамиднинг НР-β-CD билан янги комбинациясини олиш жараёнида уларнинг «мехмон-мезбон» турдаги комплекс ҳосил қилиши аниқланди. Комплекс ҳосил бўлиши элемент таҳлил ва молекулаларнинг ИҚ спектрлар таҳлили буйича ўрганилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида янги таркибдаги «Феркамид» композициясининг сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилди.

1-жадвал

«Феркамид», инфузия учун эритманинг спецификацияси

Кўрсаткичлар	Таҳлил усуллари	Меъёрлари
Тасвирланиши	Визуал	Тиниқ сариқ-қизил рангдаги эритма
Чинлиги	МХ га мувофиқ	Fe, Co сифат реакциялари
Тиниқлиги	Визуал, АҚШ Ф	Препарат эритмаси тиниқ бўлиши керак
рН	Потенциометрик, АҚШ Ф	3.5 дан 4,5 гача
Ферамид ва коамиднинг миқдорий таҳлили	Титриметрик	Ферамид - 1 мл эритмада 0,018 г дан 0,022 г гача Коамид - 1 мл эритмада 0,009 г дан 0,012 г гача
2-гидроксипропил-β-циклодекстриннинг миқдорий таҳлили	Рефрактометрик	1 мл эритмада 0,070 г дан 0,082 г гача

Механик қўшимчалар, бактериал эндотоксинлар, стериллик, токсиклик ва тўлдирилиш ҳажми каби кўрсаткичлар фармакопояларда келтирилган маълум усуллар ёрдамида аниқланди. Шундай қилиб, олиб борилган изланишлар асосида янги «Феркамид» композицияси, унинг сифат кўрсаткичлари ва меъёрлари белгиланди.

«Феркамид» препаратининг самарадорлиги унинг бир компонентли таркиблари, шунингдек Lek d.d. (Словения) томонидан ишлаб чиқарилган «Феррум –Лек», инъекция учун эритмаси дори препарати билан қиёсий фармакотоксикологик тадқиқотлари натижасида аниқланди. Бунда, НР-β-CD билан биргаликда олинган ферамид ва коамид комплекснинг инфузион эритмасининг ўткир захарлилиги уларнинг битта компонентли коамид таркибига нисбатан анча пастлигини кўрсатди. Феркамиднинг хусусий фаоллигини ўрганиш унинг гемоглобинга таъсири нуқтаи назаридан олиб борилди, бунда маълум бўлган «Феррум –Лек» (Словения) препаратидан кам эмаслигини аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Плазма ўрнини босувчи ва антибактериал таъсирга эга бўлган кўп компонентли инфузион эритмаларининг сифатини бошқариш усуллари такомиллаштириш» га бағишланган.

Инфузия учун «Комбисол Нео» эритмаси ва таркибидаги натрий лактатнинг миқдорини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

«Комбисол Нео» препарати, инфузия учун эритма кўп компонентли дори воситалари гуруҳига киради.

«Комбисол Нео» таркиби, инфузия учун эритма 100 мл:

Натрий хлорид - 175,0 мг

Калий хлорид – 150,0 мг

Натрий лактат– 200,0 мг

Глюкоза - 2700,0 мг

Инъекция учун сув –100 мл гача.

Препарат таркибидаги натрий лактатининг таҳлилини ўтказиш учун фаол моддани чинлиги ва миқдорий таҳлил босқичларини бирлаштиришга имкон берадиган УБ-детектор билан таъминланган ЮССХ усулидан фойдаланилди. Таҳлил натижаларини метрологик тавсифи 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

«Комбисол Нео» препаратидаги натрий лактат миқдорини аниқлаш натижалари

«Комбисол Нео» препарати таркиби- даги натрий лактат миқдори	Стандарт бўйича меъёри	Аниқланган миқдор, мг	Метрологик тавсифи
2,0 мг /мл	1,8 дан 2,4 мг/мл гача	2,301	$X_{\text{ўрт}}$, мг/мл = 2,31 $F=4$ $S^2 = 2,28$ $\Delta \bar{x} = 1,91$ $\bar{\epsilon}, \% = 0,83$
		2,321	
		2,319	
		2,295	
		2,331	

Жадвалда келтирилган натижалар олинган маълумотларнинг ишончлилигини кўрсатди.

«Фелозин Нео» инфузион эритмаси таркибидаги аминокислоталарни аниқлаш

«Фелозин Нео», инфузион эритмасининг таркиби:

L -серин	0,1 г
L- аланин	0,2 г
L – изолейцин	0,352 г
L -лейцин	0,49 г
L –аспарагин кислотаси	0,25 г
L -тирозин	0,025 г
L – глутамин кислотаси	0,075 г
L - фенилаланин	0,533 г
L – аргинина гидрохлорид	0,50 г
L – лизин гидрохлорид	0,43 г
L - валин	0,36 г

L - треонин	0,25 г
L – гистидин гидрохлорид	0,25 г
L - триптофан	0,09 г
L - метионин	0,225 г
L-пролин	0,1 г
L – цистеин гидрохлорид	0,0172 г
L -глицин	0,76 г
Инъекция учун сув	100 мл гача

Аминокислоталар кимёвий таҳлил қилиш учун мураккаб объект бўлиб, бу молекулаларда гидрофоб (поляри бўлмаган углеводород-водород бўлаклари) ва гидрофил (карбон-, амин-, гидроксид- ва меркапто-) гуруҳларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Дори воситалари таркибидаги аминокислоталарнинг сифатини назорат қилишнинг асосий усуллари - капилляр электрофорез ва рефрактометрик детекторли ЮССХ усуллари. Кўпгина аминокислоталарда хромофор гуруҳларининг йўқлиги уларни аралашма ҳолида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун нисбатан қулай бўлган ультрабинафша детекторли ЮССХ усули ёрдамида аниқлашни қийинлаштиради. УБ детекторли ЮССХ усули олиб бориш учун синов эритмасидаги аминокислоталарни дериватизация жараёнини олиб бориш талаб этилади.

Текширилувчи эритмадаги аминокислоталарни аниқлаш қуйидаги шароитларда амалга оширилди:

- Agilent 1100 серияли ААА аминокислоталарининг таҳлили учун махсус колонка хроматограф
- детектрлаш - УБ-338 нм
- колонка ҳарорати – 40⁰ С
- кўзгалувчан фаза А - 0,05 М натрий ацетат эритмаси, натрий цитрат билан рН = 7,8 га етказилган
- кўзгалувчан фаза Б - Метанол: ацетонитрил (1: 1)
- хроматография шароити - градиентли.
- Дериватив реагентлар - ортофтал алдехиди (ОФА) эритмаси, натрий тетраборат ва β-меркаптоэтанол аралашмаси 5: 250 нисбатида.

Дастлабки деривация қилинган синов эритмасининг тайёрланиши: 100 мкл текширилаётган эритма зич ёпиладиган қоқоқ билан жиҳозланган хроматографик идишга жойлаштирилади, 290 мкл ОФА ва 100 мкл натрий тетраборатнинг β -меркаптоэтанол билан аралашмаси қўшилади. 3 дақиқа давомида яхшилаб чайқатилади. Вақт ўтгач, реакцион аралашмага 100 мкл кўзгалувчан фаза (А ва Б, 1:1 нисбатда) қўшилади.

Стандарт намуна эритмаларининг тайёрланиши: хроматографиялаш давомида аминокислоталарнинг ушланиш вақтига қараб, аминокислоталар стандарт намуналар аралашмаларининг 4 хил эритмаси тайёрланади.


1-аралашма: аспарагин кислотаси, глутамин кислотаси, глицин, тиронин, валин, метионин, треонин, лизин г/х

2-аралашма: глутамин кислотаси, гистидин г/х, тирозин, лизин г/х.


3-аралашма: треонин, аргинин г/х, изолейцин.

4-аралашма: глутамин кислотаси, серин, треонин, гистидин г/х, валин, триптофан, фенилаланин, лизин г/х

1- ва 2- аралашма хроматограммалари 5-6 расмларда келтирилган.



5-расм. Аминокислоталар (1-аралашма) стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



6-расм. Аминокислоталар (2-аралашма) стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси

5-6 расмларда ва 3- жадвалда келтирилган натижалар аминокислоталар таҳлилида УБ детекторли ЮССХ усулини қўллаш мумкинлигини кўрсатди. Хроматограммалар хар бир аминокислотанинг аниқ ажралиши ва идентификацияси кўрсатмоқда. Олинган чўққилар юзаларини интеграция қилиш натижалари асосида текширилувчи эритмадаги аминокислоталар

миқдори ҳисоблаб топилди ва 1 мл препарат таркибида аминокислоталар миқдори 80-120% оралиғида бўлиши кераклиги маълум бўлди.

3-жадвал

«Фелозин Нео», инфузион эритмадаги аминокислоталарнинг миқдорий таҳлил натижалари

Компонентлар	Олинган миқдор, мг/мл	Инфузион эритма таркибидаги аминокислоталар миқдорининг рухсат этилган меъёри, мг/мл	Аниқланган миқдорнинг ўртача қиймати, мг/мл	Миқдори, %
L-серин	1,0	0,8-1,2	0,9	90,0
L-аланин	2,0	1,06-2,4	1,8	90,0
L-изолейцин	3,52	2,81-4,22	3,2	90,0
L-лейцин	4,9	3,92-5,88	4,1	83,6
L-аспарагин кислотаси	2,5	2,0-3,0	2,48	99,2
L-тирозин	0,25	0,2-0,3	0,22	88,0
L-глутамин кислотаси	0,75	0,6 -0,9	0,78	102,0
L-фенилаланин	5,33	4,26-6,39	5,12	96,0
L-аргинин гидрохлорид	5,0	4,0-6,0	4,95	99,0
L-лизин гидрохлорид	4,3	3,44-5,16	4,2	97,6
L-валин	3,6	2,88-4,32	3,9	108,0
L-треонин	2,5	2,0-3,0	2,35	94,0
L-гистидин гидрохлорид	2,5	2,0-3,0	2,4	96,0
L-триптофан	0,9	0,72-1,08	0,85	94,4
L-метионин	2,25	1,8-2,7	2,14	95,1
L – цистеин гидрохлорид	0,172	0,137-0.206	0,162	94,1
Глицин	7,6	6,08-9,12	7,4	97,3
Регенерациянинг ўртача фоизи				95,2 %
Вариация коэффиенти				2 %
Ўртача қийматдан стандарт четланиш				1,88
Услубнинг нисбий хатолиги				1,01%

Олинган маълумотлар 83,6% дан 108% гача бўлиб у 80-120% оралиғига тўғри келиб, регенерациянинг ўртача фоизи 95% ни ташкил этди, бу эса услубнинг қониқарли эканлигини далолат беради. Вариация коэффиенти ва услубнинг хатолиги олинган натижаларнинг бир хиллиги ва аниқлигини кўрсатади. Миқдорий таҳлил натижаларининг сон кўрсаткичлари ва уларнинг метрологик тавсифи услубнинг ишончлилигини, шунингдек уни

инфузион эритмалар ишлаб чиқариш жараёнида бошланғич ва якуний маҳсулот сифатини баҳолаш учун қўллаш мумкинлигини кўрсатди.

«Плазмикс», инфузион эритмаси таркибидаги гидроксиптилкрахмалнинг молекуляр оғирлигини аниқлаш учун вискозиметрик таҳлил усули ишлаб чиқиши

Гидроксиптилкрахмал (ГЭК) - ўсимлик крахмалининг унуми бўлиб, у декстроза (глюкоза) нинг С2 ва С6 тадан гидроксиптилланган қолдиқларидан иборат. Тиббиётда плазма ўрнини босувчи дори воситаси сифатида кенг қўлланилади.

Синов учун Оствальда ва Уббеллоде капилляр вискозиметрларидан фойдаланилди. Текширилувчи модда - гидроксиптилкрахмал 200 / 0,5 субстанцияси бўлиб, ишлаб чиқарувчи томонидан эълон қилинган молекуляр оғирлиги 170 000 дан 230 000 кДа гача бўлиши керак. ГЭК моддасининг эритувчиси сифатида 0,05 М NaNO₃ эритмасидан фойдаланилди. Эритманинг оқиш вақти камида беш марта аниқланди ва ўртача қиймати қабул қилинди. Олинган натижалар асосида нисбий ($\eta_{\text{нис}}$), солиштирма ($\eta_{\text{сол}}$), келтирилган ($\eta_{\text{кел}}$) ва характеристик ($[\eta]$) қовушқоқликлар ҳисоблаб топилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари 4 ва 5-жадвалларда келтирилган.

4- жадвал

ГЭК эритмаларининг оқиш вақти


Турли концентрациядаги (С, %) ГЭК эритмаларининг оқиш вақтларининг ўртача қийматлари						
С ₀ (тоза эритувчи – 0,05 М NaNO ₃)	С ₁ = 0.75	С ₂ = 1.0	С ₃ = 1.1	С ₄ =1.25	С ₅ = 1,38	С ₀ (тоза эритувчи – 0,05 М NaNO ₃)
t ₀ бош	t ₁	t ₂	t ₃	t ₄	t ₅	t ₀ охи
1.4159	1,71	1,83	1,95	2.06	2,19	1,4355

5-жадвал

ГЭК эритмаларининг қовушқоқлик қийматлари

С, в %	t, сек	$\eta_{\text{нис}} = t/t_0$	$\eta_{\text{сол}} = \eta_{\text{нис}} - 1$	$\eta_{\text{кел}} = \frac{\eta_{\text{сол}}}{C}$	ln η (нис)	ln η (нис)/C
0,9	1,71	1,208	0,208	0,2308	0,1887	0,2097
1	1,83	1,292	0,292	0,2925	0,2566	0,2566
1,1	1,95	1,377	0,377	0,3429	0,3201	0,2910
1,2	2,06	1,460	0,460	0,3835	0,3786	0,3155
1,3	2,19	1,547	0,547	0,4206	0,4361	0,3355

Характеристик қовушқоқлик бир неча концентрациялар учун ноль концентрацияга нисбатан келтирилган қовушқоқликни ($\eta_{\text{кел}}$) график асосида экстраполяция қилиш йўли билан аниқланди. Бунда характеристик қовушқоқликни ҳисоблаш схемаси 7 расмда келтирилди.



7- расм Характеристик қовушқоқликни ҳисоблаш графиги

Эритмаларнинг концентрациясига нисбатан келтирилган қовушқоқликнинг график экстраполяцияси қиймати 0,22 га тўғри келди. Олинган қиймат асосида Марк-Хувинк формуласи бўйича ГЭКнинг молекуляр оғирлиги ҳисобланди:

$$[\eta] = KM^a$$

K ва a қийматлари Америка корпорациясининг полимерлар стандартларнинг маълумотномасида (American Polymer Standard Corporation/ Mark-Houwink parameters) жойлашган, бунди ГЭК учун K ва a қийматлари 0.000637 ва 0.289га тенг. Сон қийматларни қўллаган ҳолда юқорида келтирилган ҳисоблаш формула орқали ГЭК аниқланган молекуляр массаси 210 271 кДа ташкил қилди.

«Кандифлю®Нео», инфузия учун эритмасини сифат меъёрларини ишлаб чиқиши

Инфузион эритмадаги асосий таъсир қилувчи модда флуконазолнинг сифатини баҳолаш мақсадида УБ-спектрофотометрия усули таклиф қилинди.

Флуконазол триазолнинг ҳосиласи бўлиб, у оқ ёки деярли оқ рангли гигроскопик кристалл кукундир. Метанолда осон эрийди, ацетонда эрийди, сувда кам эрийди.


«Кандифлю®Нео», инфузия учун эритма (200 мг / 100 мл) таркиби:

Флуконазол – 200 мг

Натрий хлорид – 900 мг

Инъекция учун сув – 100 мл гача

Флуконазол стандарт намунасининг USPRS дастлабки скрининг тахлили шуни кўрсатдики, флуконазол 220 нм дан 280 нм тўлқин узунлиги оралиғида, қатлам қалинлиги 1 см бўлган кюветаларда ҳамда 0,02% концентрацияда 261 ± 2 нм тўлқин узунлигида максимум нур ютиш хусусиятига эга (8- расм).



8-расм. Флуконазол стандарт намунаси эритмаси УБ спектри

Тахлил натижалари ва уларнинг метрологик тавсифи 6 жадвалда келтирилган.

6- жадвал

«Кандифлю® Нео» препаратидagi флуконазол миқдорини баҳолаш натижаларининг метрологик тавсифи

Фаол бирикманнинг миқдори, мг/100 мл	Фаол бирикмаларнинг миқдори, мг/мл	Аниқланган миқдорнинг ўртача қиймати, Х _{ўр}	Аниқлашнинг стандарт четланиши, S	Нисбий стандарт четланиш, RSD	Нисбий хатолик, ε _{ср}
Флуконазол					
200,0	1,8 – 2,2	1,89	0,0212	1,0%	1,49%

Жадвалда келтирилган метрологик тавсиф натижалари, флуконазол учун ишлаб чиқилган миқдорий тахлил усулининг уртача нисбий хатолиги меъер чегарасида эканлигидан далолат беради, бу эса дори воситасининг сифатини баҳолашда қўллашга имкон яратади.

«Метромед® Нео», инфузия учун эритма таркибидаги метронидазол миқдорини баҳолаш усуллари.


«Метромед® Нео» инфузион эритма қуйидаги таркибга эга:

Метронидазол - 500 мг

Натрий хлорид - 800 мг

Инъекция учун сув - 100 мл гача

Метронидазол ёки 2- (2-метил-5-нитроимидазол-1-ил) оқ рангдан оқ сарғиш-яшил тусдаги кукун, сувда, ацетон ва 96 % этанолда кам эрийди. Метронидазолнинг 0,01 мг / мл концентрацияли 0,1 м хлорид кислотасидаги ИСН эритмаси тайёрланди. Олинган эритманинг УБ спектри тўлқин узунлиги 230 нм дан 350 нм гача бўлган қатлам қалинлиги 1 см бўлган кюветаларда аниқланди (9-расм).



9-расм. Метронидазол ИСН эритмасининг УБ спектри

Юқорида келтирилган спектр таҳлили метронидазолнинг тўлқин узунлиги 277 нм бўлган максимал ютилишга эга эканлигини кўрсатди.

Инфузион эритмадаги метронидазол миқдорини аниқлаш учун унинг 0,01 мг / мл концентрациядаги синов эритмаси тайёрланди ва ҳосил бўлган эритманинг оптик зичлиги 277 нм тўлқин узунлигида ўлчанди. Солиштириш эритмаси сифатида 0,1 М хлорид кислотасидан эритмасидан фойдаланилди. Таҳлил натижаларининг метрологик тавсифи 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

